

# **Энг кучли даъват - мўминнинг муносиб ва гўзал хулқидир**

05:00 / 06.03.2017 4448

03.10.2016 й.

## **Энг кучли даъват - мўминнинг муносиб ва гўзал хулқидир**

### **Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф давр талаби, иммунитет танқислиги ҳамда илм олишнинг зарурлиги ҳақида**

*Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари 2014 йилда Россияга сафар қилиб, у ерда Х Халқаро ислом анжуманида иштирок этган эдилар. Сафар давомида Москвада чиқадиган «Минарет Ислама» («Ислом минораси») журнали мухбири шайх ҳазратлари билан суҳбат қилиб, уни журналнинг 2015 йилги илк сонидан чоп этган. Қуйида ушбу суҳбатнинг эркин таржимаси билан танишасиз.*

*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳақиқий Олим эдилар, устозларнинг устози эдилар. У киши - соҳиби замон, собиқ шўро ҳудудидаги мусулмонлар ҳамжамиятининг виждони эдилар. У киши собиқ шўро давлати ҳудудида дунё тан олган ягона олим эдилар ва ягона бўлиб қолмоқдалар. У кишининг сўзига президентлар, қироллар, вазирлар ҳамда дунёдаги миллионлаб оддий инсонлар қулоқ тутишарди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Содиқ жаноблари Бутунжаҳон мусулмон уламолари бирлашмаси котибияти, Бутунжаҳон Ислом иттифоқи таъсис йиғини, Бутунжаҳон тасаввуф уюшмаси президиуми, Бутунжаҳон исломий халқлар бошқарувининг бош котибияти, Бутунжаҳон Ислом даъвати уюшмаси ва бошқа ташкилотларнинг аъзоси эдилар. Саудия Арабистони, Урдун, Покистон каби давлатлардаги бир қатор университетларининг фахрий аъзоси эдилар. Шўро даврида эълон қилинган қайта қуриш даврида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасини бошқардилар ва шўро парламентида халқ ноиб бўлдилар. Шоҳидларнинг айтишича, шўро давлатида мусулмонларга нисбатан ҳукм сурган даҳрий сиёсатнинг сустлашиши ва охир-оқибат бутунлай бекор қилиниши у кишининг хизматлари натижасидир. Шайх ҳазратлари XX аср охири - XXI аср бошида Ислом оламида юз берган аксар инқирозли ҳолатларни ичкаридан кузатиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистонда муфтийлик лавозимидан кейин узоқ муддат турли давлатларда яшаб, ижод қилдилар. Аллоҳ талонинг иродаси ила у киши ўзларининг сўнгги интервьюларини бизнинг ойнамага бердилар.*